

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АРЗИМУРАД

**ЎРТА ВА ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲА ГЕОСИСТЕМАЛАРИДА
ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ГЕОГРАФИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Рахматуллаев Арзимурад

Ўрта ва Куйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятни
географик оптималлаштириш.....3

Рахматуллаев Арзимурад

Географическая оптимизация экологической ситуации в оазисных
геосистемах Среднего и Нижнего Зарафшана.....27

Rakhmatullaev Arzimurad

Geographic optimization of the ecological situation in the oasis
geosystems of the Middle and Lower of Zarafshan53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ АРЗИМУРАД

**ЎРТА ВА ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲА ГЕОСИСТЕМАЛАРИДА
ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ГЕОГРАФИК ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/G5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (nauka.nuu.uz) ҳамда “Ziyo.net” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Нигматов Асқар Нигматуллаевич
география фанлари доктори, профессор

Хикматов Фазлиддин Хикматович
география фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Аъло Қаюмходжаевич
география фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Сейсмология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.G.01.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, г.ф.н., доцент

А.А.Қаюмов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон аҳолисининг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган суғориладиган ерлар интенсив фойдаланилаётганлиги туфайли, уларда тупроқ унумдорлигининг пасайиши, тупроқ эрозияси, шўрланиш ва бошқа салбий экологик жараёнлар кучаймоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида 17 та “мақсад” лар берилган бўлиб, шунинг 15-мақсади “Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўллашга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолишини олдини олиш” вазифаларини ечишга қаратилган¹. Мазкур вазифалар, суғориладиган ва ҳайдаладиган ерларда, шу жумладан Ўзбекистон воҳаларида интеграл тадқиқотлар асосида экологик вазиятни оптималлаштиришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида суғориладиган ерларда экологик вазиятнинг кескинлашиб бориши геосистемаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда антропоген юкни меъёрлаштиришнинг, табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Суғориладиган ерларда экологик вазиятни оптималлаштириш учун ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг илғор технологияларини қўллаш, геосистемаларга антропоген юкни миқдорий баҳолаш, тупроқ деградациясининг олдини олиш, сув сифатини яхшилаш, табиий жараёнлар мониторингини такомиллаштириш, экологик вазиятни яхшилаш бўйича прогнозлар ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ шўрланишини олдини олиш ва ҳосилдорлигини кўтариш, пестицидлардан фойдаланишни камайтириш, минерал ўғитлар ўрнига органик ўғитларни ишлатиш ва бошқалар бўйича катта миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда ва ютуқларга эришилди. Таъкидлаш жоизки, суғориладиган ерларда, айниқса аҳоли зич жойлашган Зарафшон воҳаларида экологик вазиятни яхшилаш самарадорлигини янада ошириш учун воҳаларни яхлит парагенетик тизим сифатида тадқиқ этиш, геосистемаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, инсон таъсирини “антропоген юк” методик ёндашуви ёрдамида ҳудудий – структуравий ва динамик система сифатида ўрганиш ҳамда картографик ва математик моделлаштиришдан фойдаланиш зарурияти туғилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² “одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш” ва “атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва

¹ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларининг экологик муаммоларига доир мақсадли илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши, уларда антропоген таъсир натижасида юзага келган экологик вазиятни оптималлаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2008-2012 йиллардаги атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракат Дастури ҳақида”ги, 2011-2015 йилларга мўлжалланган 2011 йил 30 октябрдаги 292-сон “Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит мониторинги бўйича Давлат Дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 май 2013 йилдаги 142-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг 2013-2017 йилларга мўлжалланган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракат Дастури” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини, экологик вазиятни оптималлаштиришни баҳолаш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: АКШда (George Washington University, Carolina, North Carolina, UNC), Канадада (University of Alberta), Швецияда (Lund University), Буюк Британияда (Covernty University, University of Portsmouth, Oxford University), Австралияда (Monash University, University of Technology Sydney), Германияда (Westfälischen Wilhelms-Universität Münster), Хитойда (Beijing Normal University), Россияда (Москва давлат университети) олиб борилмоқда.

Геосистемаларга антропоген юкни аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: геосистемалар структурасини сақлаш, Ер табиати ва унга яқин космик макон табиий ресурсларидан рационал фойдаланиш ва қайта тиклаш бўйича тизимли ёндашувлар ишлаб чиқилган (Environmental protection Research Institute, Швеция); йирик инфраструктурали лойиҳалар ва стратегик экологик тадқиқотлар базасига асосан ҳудудий режалаштиришнинг методик асоси такомиллаштирилган (Regional and ecological development institute, Лейбниц;

³ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ined.fr>, <https://www.edu>, <https://eh.net/encyclopedia/article> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Institute of Enviromental, Мюнхен, Германия); чўлланишга глобал ва регионал табиий омилларнинг таъсири, уларнинг даврийлиги, ривожланишининг геосистемалар компонентларига ва барқарорлигига таъсир кўлами баҳоланган (Institute of Geographical Sciences, Пекин, Хитой); табиий муҳитнинг глобал ва регионал ўзгаришини назорат қилиш системаси ишлаб чиқилган (Institute of Geography, Буюк Британия); ер ва тупроқларнинг ифлосланиши ва деградациясига боғлиқ ҳолда атроф-муҳитга келтирилган зарарларни баҳолаш методикаси такомиллаштирилган (Москва давлат университети, Россия).

Дунёда деҳқончилик қилинадиган ерларга антропоген таъсир даражасини аниқлаш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: инсон фаолиятини назорат қилиш ва экологик мониторинг тизимини такомиллаштириш ва ишлаб чиқиш; антропоген таъсир ва глобал ўзгаришларга ландшафтларнинг барқарорлигини баҳолаш; антропоген юкни ўрганишда ахборот-телекоммуникацион тизимни ривожлантириш; воҳа геосистемаларининг алоҳида участкаларида экологик-геокимёвий баҳолаш; мавзули геоэкологик карталарни тузиш; атроф-муҳит ифлосланишини прогнозлаш ва илмий асослаш методларини ишлаб чиқиш; воҳа геосистемалари табиий ресурс потенциалидан рационал фойдаланиш; геоэкологик тадқиқотларда математик методларни ва моделлаштиришни ривожлантириш; воҳа геосистемаларининг геоэкологик ҳолатини бошқаришда системали ёндашувни ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири туфайли келиб чиқаётган экологик муаммолар, уларнинг аҳоли кўпайиши билан кескинлашиб боришини ўрганиш бўйича кўплаб таниқли хорижий олимлар, жумладан Д.Харвей, Э.Нееф⁴, К.Тролл, Г.Бобек, Й.Шмитхюзен, Р.Чорли, Б.Кеннеди, Г.Хаазе, Я.Демек, Т.Накано, Г.Уайт, Ю.Одум ва МДХ олимлари В.Б.Сочава, В.С.Преображенский, А.Г.Исаченко⁵, Н.А.Солнцев, Н.А.Гвоздецкий, Б.В.Виноградов, Ф.Н.Мильков, И.И.Мамай, В.А.Николаев, К.Н.Дьяконов, В.С.Касымов, Г.Н.Голубев ва бошқалар илмий-тадқиқот олиб борганлар.

Ўзбекистон Республикасида воҳа геосистемаларида геоэкологик вазият А.А.Абулкосимов, Л.А.Алибеков, Н.И.Сабитова, А.А.Рафиқов, П.Баратов, А.С.Солиев, А.Н.Нигматов⁶, А.Ўразбоев, Н.Қ.Комилова, И.К.Назаров, С.И.Абдуллаев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Бу тадқиқот ишларида давлатлар ва ҳудудларнинг умумий экологик ҳолати, экологик вазиятнинг кескинлашишини кучайтирувчи омиллар, тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишлари ўрганилган, ҳудудларда экологик вазиятни ўрганишда системали ва комплекс географик ёндашувнинг

⁴ Нееф Э. Теоритические основы ландшафтоведения (перевод с немецкого) М.: 1974. – С. 218; Новые идеи в географии (перевод с английского, французского, чешского). М.: 1976. –С. 274; Одум Ю. Экология. В.двух томах. Том 1 (перевод с английского). –М.: 1986. –С.328.

⁵ Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико – географическое районирование. –М.: 1991. –С.365; Солнцев Н.А. Учение о ландшафте (избранные труды). М.: 2001. – С.384; Виноградов Б.В. Основы ландшафтной экологии. – М.:1998. –С.418; Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. М.: 1979. –С.222

⁶ Нигматов А. Н. Экология. Т.: 2008. –С.128; Абулкосимов А.А., Абдурахмонова Ю.Х., Давронов К.Қ. Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геоэкологияси. –Т.: 2017. – 304 б.;

афзалликлари ёритилган. Воҳаларда экологик вазиятнинг кескинлашиб бориши антропоген юкнинг кучайиб бораётганлиги билан боғлиқлигини мутахассис олимлар асослаган. Лекин, антропоген юкнинг таъсир даражаси, оғирлик кўрсаткичлари ҳозиргача хорижий давлатларда ва республикамизда бирон воҳа мисолида аниқланмаган ҳамда карталари яратилмаган. Шу жиҳатдан ушбу диссертация ишида қўйилган вазифалар муаммога мутлақо янгича ёндашув ҳисобланади. Илк бор воҳалардаги геоэкологик вазият уларга тушадиган антропоген юк нуқтаи назарда баҳоланган. Мазкур ёндашув ушбу тадқиқот ишининг асосий моҳиятини ташкил қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг 6113-Б. “Зарафшон ҳавзасининг ландшафт-хўжалик хусусиятлари, антропоген ўзгаришлари ва геоэкологик муаммолари” (1993-1996) фундаментал лойиҳаси; ИТД-7-10 “Самарқанд вилоятининг ўлкашунослик атласини тузиш” (2012-2014) амалий лойиҳаси; ИОТ-2013-5-08 “Самарқанд вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси, ичимлик сув сифати, маиший хўжалик чиқиндилари карталарини тузиш” (2013-2014) инновацион лойиҳаси; А-4-8 “Самарқанд вилоятининг электр энергия берадиган шамол ресурсларини аниқлаш ва картасини тузиш” (2015-2017) амалий лойиҳаси; ОТ-Ф8-07 “Тоғ геосистемаларида чўлланиш жараёнини таянч-тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш, баҳолаш ва карталаштириш (Ўбдин тоғи мисолида)” (2017-2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларига антропоген юк таъсирини тадқиқ қилиш, экологик вазиятни баҳолаш ва уларни оптималлаштиришнинг илмий ва амалий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

воҳа геосистемаларида экологик муаммоларни ўрганишнинг назарий ва методик асосларини илмий асослаб бериш;

воҳа геосистемаларидаги антропоген юкни ўрганиш, унинг майдон бирлигига тўғри келадиган меъёрий кўрсаткичларини, босим даражасини ва баҳолаш мезонларини аниқлаш, ҳамда геоэкологик вазиятни баҳолавчи карталарни тузиш методикасини ишлаб чиқиш;

воҳа геосистемалари аҳолиси учун “ер сиғими” меъёрини аниқлаш, унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, суғориладиган ерларнинг турар жойлар ва бошқа қурилиш объектлар билан бандлик даражасини антропоген юк сифатида ўрганиш;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон ҳавзасининг геолого-геоморфологик принципга асосланган ландшафт картасини тузиш ва унинг бошқа мавзули геоэкологик карталар учун асос бўлишлигини кўрсатиш;

дала – тадқиқот ва лаборатория таҳлили маълумотлари асосида ичимлик сувлари кимёвий таркибининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

воҳа геосистемаларидаги экологик вазият аҳоли саломатлиги ўртасидаги боғлиқликларни математик корреляцион ва статистик таққослаш методлари ёрдамида ўрганиш;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларидан оқилона фойдаланиш, экологик вазиятни оптималлаштириш ва барқарор ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уларни картада кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта ва Қуйи Зарафшон хавзасининг йирик воҳа геосистемалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети воҳа геосистемаларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида рўй бераётган экологик оқибатлар, антропоген юк, унинг ҳудуд ва вақт бўйича ўзгариши, экологик вазиятни оптималлаштириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда дала-тадқиқот, таянч-экспериментал тадқиқот, картографик, палеогеографик, географик-таққослаш, тиббий-географик, статистик, математик моделлаштириш, ландшафт-геокимёвий, табиий аналоглар усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор воҳаларда геоэкологик вазиятни баҳолашда “антропоген юк” нинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига асосланган янги методик ёндашув ишлаб чиқилди, шу асосда янги Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида антропоген юк ва унинг оқибатлари картаси яратилган;

воҳа геосистемалари учун “ер сифими” меъёри ишлаб чиқилган ва суғориладиган ерларнинг аҳоли турар жойлари ҳамда қурилиш объектлари билан бандлик даражасини ҳисоблаш методлари такомиллаштирилган;

воҳа геосистемаларидаги экологик вазиятни баҳолаш мезонларини такомиллаштириш асосида Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳасининг янги геоэкологик картаси яратилган;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида грунт сувларининг кимёвий таркибида (минераллашиши, қаттиқлиги, водород кўрсаткичи, анионлар ва катионлар) ҳудуд бўйича сифат ўзгаришлар рўй бераётганлиги аниқланган ҳамда мавзули гидроэкологик карталар яратилган;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳаларида экологик вазият ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганишда математик корреляцион усулдан фойдаланилган ва аҳоли саломатлигига энг кучли таъсир кўрсатадиган омил сув сифати эканлиги исботланган;

воҳа геосистемаларидан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ландшафтларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар бир ландшафт учун алоҳида амалга ошириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида турли хил геоэкологик, ландшафт-гидроэкологик карталар кўринишида моделлар тайёрланган, Ўрта ва Қуйи Зарафшонда экологик вазиятни барқарор ривожланиш ва оптималлаштириш бўйича амалий тавсиялар тақлиф қилинган;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон геосистемаларида ер ости сувларининг минераллашуви, сув қаттиқлиги, асосий анионлар ва катионларнинг тарқалиши

бўйича янги карталар тузилган;

суғориладиган ерларнинг турли қурилиш объектлари билан баландлик даражасини ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилган ва таянч участкаларнинг йирик масштабли карталари яратилган;

Зарафшон водийсини ўраб турган тоғлардаги йирик сойларда сув ҳажми 12-20 млн.м³ ли сув омборларини қуриш, шу асосда тоғ олди текислик ҳудудларда томчилатиб суғориш технологияси асосида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш тавсия қилинган;

янги экологик постлар очиш ва кузатиш дастурларига ўзгартиришлар киритиш асосида мониторинг хизматини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси “Ўзбекгидрогеология” бўлими, Самарқанд вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистик маълумотларидан фойдаланилгани, кўп йиллар давомида тўпланган дала тадқиқот, тажриба-эксперимент, лаборатория маълумотлари асосида яратилган карталар, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти воҳа геосистемаларида антропоген юкни аниқлаш методикаси ва “ер сиғими” меъёри ишлаб чиқилганлиги, экологик вазиятни баҳолаш мезонлари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўрта ва Қуйи Зарафшон геосистемалари бўйича тузилган карталар, берилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларининг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда, муҳофаза қилишда, қишлоқ хўжалик экин турларини оптимал жойлаштиришда, тупроқлар шўрланишининг олдини олишда, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишда фойдаланиш учун муҳим илмий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятни оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятни баҳолаш бўйича тузилган ўндан ортиқ турдаги карталар, берилган хулосалар табиатни муҳофаза қилишда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 03/2-5981-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон ҳавзаси геосистемаларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш асосида меваги боғлар, узумзорларни кўпайтириш имконини берган;

воҳа геосистемалари учун ишлаб чиқилган “ер сифими” меъёри Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2017 йил 2 февралдаги 02-02-816-сон маълумотномаси). Натижада ерлардан илмий асосда самарали фойдаланиш имконини берган;

воҳа геосистемаларига антропоген юк кўрсаткичи сифатида аниқланган суғориладиган ерларнинг аҳоли турар жойлари ва бошқа қурилиш объектлари билан бандлик даражаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2017 йил 2 февраль, 02-02-816-сон далолатномаси). Натижада ҳудуднинг ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берган;

Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида ичимлик сув сифатини кўрсатувчи карталар ва хулосалар Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини ишлаб чиқишда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2017 йил 20 январдаги 1-01-сон маълумотномаси). Натижада Навоий ва Бухоро вилоятлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 8 та халқаро ва 30 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 103 та илмий мақола, шу жумладан, 43 та илмий журналларда, шундан 12 та хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 196 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Геосистемаларда экологик муаммоларни ўрганишнинг назарий ва методик асослари”** деб номланган биринчи бобида назарий масалалардан иккита муаммонинг таҳлили берилган: биринчиси геосистемаларга ва экосистемаларга тушадиган антропоген юк меъёри ва уни

баҳолаш бўлиб, бу муаммо тўғрисида Ю.Одум (1986), Ю.А.Израэл (1984), А.Г.Исаченко (1980), Ю.В.Новиков, В.М.Подольский (1994), Ц.Е.Мирцхулава (2001), В.Г.Заиканов (2000), Б.И.Кочуров (1999) ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Бу ишлар асосан назарий характерга эга бўлиб, антропоген юкнинг ошиши геосистемаларда шаклланган барқарор мувозанатнинг бузилишига, табиий маҳсулдорликнинг пасайишига, меъёрдан ортиқча юк, аввало, биотик, кейин абиотик компонентларда ўзгаришларни келтириб чиқариб, экологик беқарорликнинг шаклланишига сабаб бўлишлиги изоҳлаб берилган.

Иккинчи назарий масалада воҳалар инсон-табиат муносабатлари таъсирида жадал ўзгараётган динамик геосистемалар эканлиги аниқ маълумотлар, фактик материаллар асосида кўрсатилган. Тупроқшунос мутахассислар (Т.К.Ортиков, 2002, Р.К.Қузиев 2002) фикрича, ҳар йили суғориладиган тупроқлардан маданий ўсимликлар билан олиб чиқиб кетилаётган моддалар, ерга берилаётган моддалар миқдори нисбатан катта бўлмоқда. Шу сабабли ҳам суғориладиган тупроқларда гумус моддаси кейинги 70-80 йил ичида 40-50 % га камайган. Республика воҳа тупроқларининг ярмидан кўпи, яъни 2,0 млн. гектардан ортиқ ерлар турлича даражада шўрланган. Йирик дарёлар дельталарида шўрланган ерлар 90 % га етган, грунт сувлардаги тузлар миқдори 2000-3000 мг/л дан ошган ва уларнинг кўпчилиги ичимлик учун яроқсиз ҳолга келган. Келажақда аҳоли сонининг ошиши билан воҳаларга антропоген юк янада кучаяди, бу экологик вазиятнинг янада кескинлашувига олиб келади.

Биринчи бобнинг учта параграфида геосистемалардаги экологик муаммоларни ўрганишнинг методик масалалари муҳокама қилинган. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасида тузилган ва чоп этилган экологик карталар ҳамда турли илмий ишларда ёритилган илмий ишланмалар таҳлили берилган. Геосистемаларда экологик вазиятни баҳолаш бўйича ҳозирга қадар ягона фикрга келинмаган. Илмий-назарий тадқиқотлар ва дала-экспериментал ишларга асосланган ҳолда, геосистемаларда экологик вазиятни баҳолашнинг етти поғонали баҳолаш тизимини тавсия қилдик: 1) қаноатланарли -5 % гача; 2) жиддий -5-15 %; 3) ўртача кескин -15-25 %; 4) кучли кескин -25-35 %; 5) танг -35-45 %; 6) хавфли -45-55 %; 7) ҳалокатли >55 %. Таклиф қилган етти поғонали баҳолашлар тизими асосида “Ўрта ва Қуйи Зарафшон ҳавзасининг геоэкологик картаси” тузилди. Ҳудудда “ҳалокатли” вазият қайд қилинмаган.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида геосистемаларда экологик вазиятни тадқиқ қилишда ҳудудий боғлиқлик ва аҳоли учун “ер сиғими” меъёри методларидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинди. Геосистемаларнинг ҳудудий бир-бирларига боғлиқлиги, бир бутунлиги дарё ҳавзаларида яхши намоён бўлади. Геосистемаларда экологик вазиятни таҳлил қилганда ҳавза методи ва парагенетик боғлиқлик методларидан фойдаланиш яхши самара беришлиги кўрсатилган.

Аҳоли учун “ер сиғими” меъёрини аниқлаш мунозарали ва мураккаб масала ҳисобланади. Лекин, инсон ҳаёти табиат билан бевосита боғлиқ экан, ҳар бир ҳудуд учун унинг табиатига мумкин қадар кам таъсир кўрсатадиган,

яъни, мувозанатини бузмайдиган меъёрий кўрсаткичлар бўлиши керак. Шундай кўрсаткичлардан бири “ер сиғими” меъёри ҳисобланади. **“Ер сиғими” деганда, маълум миқдордаги кишиларни йил давомида экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаши мумкин бўлган ер майдони (1 км²) тушунилади.** Бу ерда, сўзсиз, шу миқдордаги кишиларнинг табиатга зарар етказмаслиги, яъни экологик мувозанатни бузмаслиги асосий мезон ҳисобланади. “Ер сиғими” ни ҳисоблашда Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан бир кишининг истеъмоли учун тавсия қилинган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари) асос қилиб олинди. Ердан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳосилдорлигини инобатга олиб, Ўзбекистон шароитида пахта етиштириладиган хўжаликларда “ер сиғими” 1 км² майдонга 250-300 киши меъёр бўлади, деган хулосага келдик. Ҳисоблаш ишлари 250 кишига нисбатан олиб борилди. Тадқиқот ишлар шуни кўрсатдики 250 кишини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун 1 км² майдоннинг 12 % га буғдой экилиши (ҳосилдорлик 40 ц/га бўлса), гўшт маҳсулотлари учун 270 бош қорамоллар, сут маҳсулотлари учун 60 бош сизир, жами 330 бош қорамоллар сақланиши керак. Ушбу миқдордаги қорамолларни боқиш учун 1 км² майдоннинг 24 % и ем-хашак экинлари билан банд бўлиши лозим. Қолган ер майдонларини пахта, мева, сабзавот экинлари, уй-жой қурилишлари банд қилади.

Юқоридаги чорва моллар бўйича ҳисобларимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февralида “Фермер хўжаликларни ҳимоялаш ва чорвачиликда ислохотни такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорида келтирилган рақамларга мос келади. Ушбу қарорда фермер хўжаликлари учун Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ҳар бир бош қорамол учун 0,3 гектар суғорма ер, Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятларда 0,54 гектар, баҳорикор далаларда 2 гектар ер ажратилсин - деб, ёзилган (И.А.Каримов, 1994, 63 бет) ⁷. Бу қарор бўйича аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда бир км² жойда 300 бош қорамол бўлиши керак. Бизнинг ҳисобимиз (330 бош қорамол) ҳам шу рақамларга тўғри келади.

Биринчи бобнинг бешинчи параграфида воҳа геосистемаларида экологик вазият ва инсон саломатлиги ўртасидаги боғлиқликларни математик статистика усули ёрдамида баҳолаш кўрсатилган. Бу вазифани бажариш учун аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тўртта омил танланди: 1) аҳоли зичлиги; 2) тупроқларнинг шўрланиши; 3) тупроқларнинг пестицидлар билан ифлосланиши; 4) ичимлик сувларининг ифлосланиши. Ушбу омилларнинг инсон саломатлигига таъсири натижалари сифатида учта кўрсаткичлар танланди: 1) аҳолининг умумий касалланиши; 2) аҳоли ўртасида ўлимлар сони; 3) бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими. Бу таҳлил натижалари 12 та чизмада кўрсатилди.

Корреляцион боғланишларни ўрганишда, (x) ва (y) катталиклар орасидаги боғлиқлик махсус формула билан аниқланадиган корреляция коэффиценти (R) орқали ифодаланди. R нинг қиймати +1 ёки -1 га қанча яқин бўлса, чизиқли

⁷ Каримов И.А. Прогресс дехканского хозяйства – путь к изобилию: Выступление на заседание Кабинета Министров Республики Узбекистан 18 февраля 1994 г. – Ташкент: «Узбекистан» 1994, 72 с.

корреляцион боғланиш шунча зич бўлади: R нолга яқинлашса, бу боғланиш камаяди, $R < 0,3$ бўлса, корреляцион боғланиш суст, $R = 0,3-0,7$ бўлса – ўртача, $R > 0,7$ бўлса – боғланиш кучли ҳисобланади. Корреляция коэффицентининг моҳиятлилиги (t) махсус формула ёрдамида аниқланди (Б.А.Доспехов, 1979). Агар $t_{\text{амалдаги}} \geq t_{\text{назарийдан}}$ бўлса, корреляцион боғланиш моҳиятли ва, аксинча, агар $t_{\text{амалдаги}} < t_{\text{назарийдан}}$ бўлса, моҳиятсиз ҳисобланади. t нинг назарий қийматлари “Студент жадвали”дан олинди. Бунда моҳиятlilik даражаси 5%, айрим ҳолларда 1 % га тенг деб қаралади.

Танланган тўртта омилдан аҳоли зичлиги ва тупроқларнинг пестицидлар билан ифлосланиши ва инсон саломатлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик суст эканлиги ($R < 0,3$) аниқланди. Тупроқларнинг шўрлиги ҳамда ичимлик сув сифатига боғлиқ касалланиш ва ўлимлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўртача ва кучлига яқинлигини ($R = 0,41-0,68$) кўрсатди. Аҳолининг саломатлигига битта эмас, бир нечта экологик омиллар биргаликда таъсир кўрсатади. Бу ҳолатни аниқлаш учун бир омилли корреляцион таҳлил ўрнига кўп омилли корреляцион таҳлил ўтказилди. Бунда, аҳолининг касалланиши (y), тупроқларнинг шўрланиши (x) ва ичимлик сув сифатининг меъёрга тўғри келмаслиги (z) биргаликда қараб чиқилди. Бу омилларнинг аҳоли касалланишига таъсири янада каттароқ бўлишлиги аниқланди ($R = 0,66-0,97$). Касалланишга таъсир кўрсатувчи омиллар қанчалик кўп олиниб таҳлил қилинса, корреляцион боғлиқликнинг кучайиши кузатилади.

Диссертациянинг **“Ўрта ва Қуйи Зарафшон хавзасининг геосистемалари, уларнинг бўлиниш қонуниятлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи параграфида ландшафтларга уларнинг бўлинишида асосий роль ўйновчи омиллар таҳлил қилинди. Ўрта ва Қуйи Зарафшоннинг текислик ва тоғли ҳудудларида ландшафтларнинг бўлинишида тектоник тузилишларнинг ҳиссаси катталиги аниқланди. Геологик-геоморфологик принципга асосланиб Ўрта ва Қуйи Зарафшонда 29 та регионал ландшафтлар ажратилди ва улар ўрта масштабли ландшафт картасида кўрсатилди. Картада бўйлама ва кўндаланг ландшафт кесмалари берилди. Ландшафтларнинг қуйидаги морфологик бирликлар туркуми қабул қилинди: “баландлик зона”, “жой”, урочище, подурочище, фация. Баландлик зона тоғларда бўлинади. Урочищеларни ички тузилиши мураккаблигига қараб уч турга бўлди: 1) оддий урочище, 2) мураккаб урочище, 3) жуда мураккаб урочище. Подурочище ва фация йирик масштабли фрагмент ландшафт карталарда кўрсатилди.

Картада кўрсатилган 29 та ландшафтлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 1) тоғ ландшафтлари, 2) тоғ олди текислик ландшафтлари, 3) тоғлар орасидаги йирик водий (воҳа) ландшафтлари, 4) дарё дельталари ва платосимон текислик (чўл) ландшафтлари.

Ўрта ва Қуйи Зарафшонда қуйидаги воҳалар алоҳида ландшафтлар сифатида ажратилди: Самарқанд, Каттакўрғон, Кармана, Бухоро, Қорақўл. Қуйида воҳа ҳар бир ландшафтлари табиатига қисқача тавсиф берилади.

Самарқанд воҳа ландшафти Самарқанд ботиғининг қайир ва қайир усти террасаларини эгаллайди. Ландшафтнинг асоси 2000-2500 м қалинликдаги

неоген-тўртламчи давр жинсларидан таркиб топган. А.И.Шевченко (1961) маълумотлари бўйича юқори тўртламчи даврга хос шағал-қумлар қалинлиги 100 метрдан ошади. Сизиб ўтиш хусусияти катта бўлган бу ётқизиклар ландшафт ҳудудида катта микдордаги чучук сув тўпланишига шароит яратади. Самарқанд воҳа ландшафтининг чегаралари водий чегараларига тўғри келади ва водийдаги қайир, қайир усти I, II ва III террасаларни ўз ичига олади. Самарқанд воҳа ландшафти қуйидаги «жойларга» бўлинади: а) қайир ва I терраса; б) II терраса; в) III терраса. XIX асрнинг ўрталарига қадар ландшафт қайири ва биринчи террасанинг катта қисми қалин тўқайзорлар билан қопланиб ётган. Аҳолининг кўпайиши, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига тўқайзорлар йўқ қилинди. Тўқай геосистемасини сақлаб қолиш мақсадида 1975 йили Зарафшон кўриқхонаси (2320 гектар) ташкил қилинди.

Каттакўрғон воҳа ландшафти шимолдан Октоғ ва Қоратоғ тизмаси, жанубдан Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари орасидаги ботикда жойлашган бўлиб, Самарқанд воҳа ландшафтининг ғарбий давоми ҳисобланади. Бу ландшафтнинг Самарқанд воҳа ландшафтидан фарқ қилувчи бир нечта хусусиятлари бор. Биринчидан - Зарафшон дарёсининг нишаблиги ҳар 1000 метрга 1 метр тўғри келади. Самарқанд воҳа ландшафтида бу нишаблик ҳар 1000 метрга 2,5 метрни ташкил қилади. Қияликнинг камлиги ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилишига, тупроқларнинг шўрланишига қулай шароитлар яратади. Иккинчи фарқи - Зарафшон дарёси келтирадиган аллювиал ётқизиклар таркибидаги йирик шағаллар ўрнига майда шағаллар ва қумлар кўпроқ. Буларнинг сув фильтрациясига, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига, грунтдаги жинсларнинг капиллярлик фаолиятига, ўсимликлар ривожланишига таъсири катта. Учинчи фарқ - иқлим элементлари билан боғлиқ. Каттакўрғон ландшафтига нисбатан Самарқанд воҳа ландшафтида ёғин микдори 105-110 мм кўп, $+5^{\circ}\text{C}$ ва $+10^{\circ}\text{C}$ дан ошган ҳароратлар йиғиндиси Самарқанд ландшафтида Каттакўрғон ландшафтига нисбатан 14 ва 10 кун кам. Ландшафт қуйидаги «жой» лардан таркиб топган: а) қайир ва I терраса; б) II терраса; в) III терраса. Ҳар бир «жой» комплекслари ичида қонуний такрорланиб турадиган урочищелар ва фациялар гуруҳлари мавжуд.

Кармана воҳа ландшафти. Ушбу ландшафт тоғ ва текислик ўртасидаги чегара ҳудудда жойлашганлиги учун табиий шароити анча хилма-хил. Палеозой асос Кармана букилмасининг марказида 1000-1500 метр чуқурликда жойлашган, тоғларда эса ер юзига чиқиб ётади. Палеозой жинслар устини юра ётқизиклари қоплаган, унинг устида палеоген даврига хос гипс қатламчалари аралашган оҳактошлар ва доломитлар ётқизилган. Унинг устини қалинлиги 300-500 метрли неоген ва қадимги тўртламчи давр ётқизиклари қоплаб туради. Палеоген ва кейинги давр ётқизиклари Зиёвуддин ва Қоратоғ тизмаларининг этакларида, Азкамар ва бошқа баландликларда ер юзига чиқиб ётади. Ландшафтнинг деярли ҳамма ҳудудларида ер юзасидан 70-200 см чуқурликда, қалинлиги 20 см гача бўлган гипс қатлами мавжуд. Ландшафтда қуйидаги «жой» лар ажратилган: а) Зарафшон дарёси қайири ва I терраса; б) II терраса; в) III терраса; г) Маликчўл; д) Ўртачўл; е) Тўдакўл ва Қуйимозор сув омбори атрофларидаги ерлар; ж) Конимех воҳаси.

Бухоро воҳаси ландшафти Бухоро-Хива синеклизасининг Ромитон ботиғида жойлашган бўлиб, асоси қалин аллювиал ётқизиклар билан тўлдирилган. Қадимдан суғорма деҳқончилик марказларидан бири бўлган Бухоро воҳаси зич каналлар ва ариқлар тўри билан қопланган, грунт сувларнинг ўртача сатҳи 2,1-2,8 метрни ташкил қилади, 90 % га яқин тупроқлар шўрланган. Ландшафт иккита “жой” ларга бўлинади: а) қайир I терраса; б) II терраса. Бу “жой” ларнинг ҳар бири ўзига хос урочищелар ва подурочищелар гуруҳидан таркиб топган.

Қорақўл воҳаси ландшафти Зарафшон дарёсининг энг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, ландшафт юзаси шимолдан жануб ва жануби-ғарб томонларга пасайиб боради. Зарафшон дарёси воҳага кириши билан бир неча йирик тармоқларга бўлиниб кетади. Ариқ ва зовурлар билан кучли парчаланган. Қорақўл воҳаси ерларининг 90% дан ортиғи шўрланган. Қорақўл воҳаси иккита “жой” лардан таркиб топган. а) воҳанинг юқори қисми ёш дельта; б) воҳанинг қуйи қисми – қадимги дельта. Кучли шўрланган ерлар асосан дельтанинг қуйи қисмида кўп. “Жой” лар бу ерда ҳам ўзига хос қонуний такрорланиб турадиган урочищелар ва фациялар гуруҳларидан таркиб топган.

Геосистемалардан қишлоқ-хўжалигида фойдаланиш ва унинг экологик оқибатлари. Ҳозирги пайтда Ўрта ва Қуйи Зарафшонда суғориб экин экиладиган ерларнинг умумий майдони 553,0 минг гектар бўлиб, шундан Самарқанд вилоятига 262,0 минг га, Навоий вилоятига 91,4 минг гектар ва Бухоро вилоятига 199,6 минг гектар ер тўғри келади. 2014 йилги маълумот бўйича Республикамизда суғориладиган умумий экин майдонларининг 44,4% и пахта, 38,4% и донли ва дуккакли экинлар, 9,4% и ем-хашак ва 8,8% и мевали боғлар ва токзорлар билан банд. Бу кўрсаткичлар Зарафшон водийсидаги суғориладиган ерлар учун ҳам тўғри келади. Ушбу рақамлар пахта экиладиган майдонларнинг катталигини, алмашлаб экиш каби агротехник қоидаларининг бажарилмаётганлигини билдиради, бу эса тупроқларнинг қашшоқланишига олиб келди. Суғориладиган ерларни кенгайтириш учун Ўрта Зарафшоннинг тоғ олди текисликлари, Маликчўл, Ўртачўл ҳудудлари, Бухоро ва Қорақўл воҳалари атрофларидан катта ерлар ўзлаштирилди. Бунинг оқибатида тупроқлардаги тузлар миграцияси кучайди, пасткам ерларда ва дарё дельталарида сизот сувлар сатҳи кўтарилди, минераллашиши ошди, тупроқлар шўрланиши кўпайди.


Диссертациянинг **“Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларидаги экологик вазиятнинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобининг биринчи параграфида воҳа геосистемаларига таъсир кўрсатаётган антропоген юкни баҳолашнинг таҳлили берилган. Воҳа геосистемаларига антропоген юклар юзлаб каналлар орқали бевосита ва билвосита йўллар билан таъсир этади. Антропоген юк турлари қуйидагича таснифланди: 1) демографик юк; 2) агрономик юк; 3) техник юк; 4) ижтимоий ва сервис юки; 5) четдан келадиган мигрант моддалар юки. Бу гуруҳлар ўз навбатида кичик қисмларга бўлинади.

Ушбу антропоген юкларни таҳлил қилиш асосида “Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа ландшафтларига тушадиган антропоген юклар ва уларнинг оқибатлари” деб номланган карта тайёрланди (3.1-расм). Картада бешта воҳа

ландшафтлари рангларда кўрсатилди: Самарқанд, Каттакўрғон, Кармана, Бухоро ва Қорақўл. Тоғ ва тоғ олди текисликлари ландшафтлари жигар рангда, чўл ландшафтлари сариқ рангларда берилган бўлиб, улар учун антропоген юк ҳисоблаб чиқилмаган. Картада майдон бирлигига тўғри келадиган антропоген юк кўрсаткичлари ўн битта бўлиб, улар елпиғич (веер) кўринишида турли хил рангларда берилган ва ҳамма антропоген юк кўрсаткичларининг меъёрий мезонлари ишлаб чиқилди. Антропоген юклар, масштаб бўйича, картадаги воҳа ландшафтларига жойлаштирилди. Картадаги доира радиуси 1 см бўлиб, ушбу радиус меъёр деб олинди. Ўнбир турдаги антропоген юк кўрсаткичлари доиранинг юқори қисмига жойлаштирилди. Доиранинг пастки қисмидаги бешта секторларда антропоген юк таъсирининг оқибатлари рангли нукта ва штрих чизиқларда кўрсатилди. Шунингдек, аҳоли касалланиши ва ўлимлар бўйича кўрсаткичлар устунчалар ёрдамида картанинг юқори қисмида берилди.

Антропоген юкнинг меъёрий миқдори сифатида бир даражадаги РЭМ бир балл деб қабул қилинди ва ўн битта антропоген юкларнинг ҳар бир ландшафтга таъсир кучи ҳисоблаб чиқилди. Ушбу ҳисоб бўйича Самарқанд воҳа ландшафтига 14,6 балл, Бухоро воҳа ландшафтига 22,3 балл, Қорақўл воҳа ландшафтига 22,7 балл тўғри келади. Ҳудди шу каби антропоген юк таъсирининг оқибатлари бўйича ҳам ҳар бир ландшафт учун умумий баллар чиқарилди. Масалан, Самарқанд воҳа ландшафти учун 4,3 балл, Кармана воҳаси ландшафти учун 12,5 балл, Бухоро воҳа ландшафти учун 14,2 балл олинди. Шунини айтиш керакки, ушбу баллар 100 баллга нисбатан олингани йўқ. Бу баллар антропоген юк ва унинг оқибатлари бўйича экологик вазиятни кўрсатувчи умумий йиғинди рақамлар (баллар) ҳисобланади. Ана шу рақамларнинг ўсишига қараб, антропоген юкнинг “оғирлик” даражалари белгиланди. Масалан, Самарқанд воҳа ландшафтига антропоген юк “ўртача оғир”, Каттакўрғон воҳа ландшафтига “ўртачадан оғирроқ”, Кармана воҳаси ландшафтига “оғир”, Бухоро ва Қорақўл воҳа ландшафтларига “катта оғир” деб баҳоланди.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа ландшафтларида майдон бирлигига тўғри келадиган антропоген юклардан саккизтаси (1-8 гача) ҳамма воҳаларда деярли бир хил, ҳатто баъзи “юк босими” Самарқанд воҳасида каттароқ. Масалан, аҳоли зичлиги, шаҳарлар сони, саноат корхоналари ва бошқ. Лекин, Самарқанд ландшафтига четдан ҳаво ва сув орқали келадиган ифлословчи моддалар миқдори жуда кам. Шу сабабли ҳам экологик вазият ландшафтнинг асосий қисмида “қаноатланарли” ва камроқ жойларда “жиддий” ҳолатда. Дарёнинг қуйи қисмига томон, четдан ҳаво ва сув орқали келадиган ифлословчи моддалар миқдорининг ошиши ҳисобига, антропоген юк кўрсаткичлари кескин кўтарилиши, натижасида экологик вазият “кескин” даражадан “танг” даражага қадар етган. Умумий антропоген юк даражаси Кармана, Бухоро ва Қорақўл ландшафтларида “оғир юк”, “катта оғир юк” даражада деб баҳоланди.



3.1-расм. Ўрта ва Қўйи Зарафшон воҳа ландшафтларига тушадиган антропоген юк ва унинг оқибатлари

I. Ландшафтлар: 1. Самарқанд; 2. Каттакўрғон; 3. Кармана; 4. Бухоро; 5. Қорақўл; 6. Воҳалар атрофидаги тоғ ва тоғолди текисликлар ландшафтлари; 7. Воҳалар атрофидаги чўл ландшафтлари.


II. Майдон бирлигига тўғри келадиган антропоген юк кўрсаткичлари (меъёрсифатида қабул қилинган): 8. Аҳоли сони 1 км^2 майдонга 300 киши; 9. 100 км^2 майдонга битта шахар ва иккита қишлоқ (қишлоқ аҳолиси 2000 дан 20000 гача); 10. 1 км^2 ерга аҳоли манзилгоҳлари ва томорқа ерлар эгаллаган майдон (меъёр 10га ёки 10%); 11. 1 км^2 ерга 1 км. серқатнов автомобил йўли ва 100 м. темир йўл тўғри келади; 12. Табиатга кучли таъсир кўрсатаётган объектлар: (йирик саноат корхоналар – 20 км^2 та 1 донга); 13. Табиатга ўртача таъсир кўрсатаётган объектлар: (ўрта саноат корхоналар – 20 км^2 та 10 донга); 14. Тулроқларда ДДТ ва бошқа пестицидларнинг қолдиқ миқдори (РЭМ ҳисобида); 15. Минерал ўғитлар: 1га ерга 400 кг (органик ўғитлар билан); 16. Атмосфера орқали келадиган чанг-туз аралашмалар: (1га ерга 100 кг/йил); 17. Ер усти сувлари орқали келадиган тузлар ва бошқа моддалар: (1га ерга 1000 кг/йил); 18. Ер ости сувлари орқали келадиган тузлар ва бошқа моддалар: (1га ерга 1000 кг/йил);

III. Антропоген юк таъсирининг оқибатлари: 19. Шўрланган ерлар майдони: 1 км^2 ерга нисбатан (Самарқанд воҳа ландшафтидаги шўрланган ерларга нисбатан – 20.8%); 20. Грунт сувларининг минераллашиши: (1литрда грамм ҳисобида: меъёр 1 литрда 1 граммгача); 21. Ер усти сувларининг сифати: (сувларнинг ифлосланиш индекси (СИИ) бўйича); 22. Аҳолининг умумий касалланиши: (Республика кўрсаткичларига нисбатан – 44833.5 киши ҳар 100000 кишига нисбатан); 23. Гўдаклар ўлими: (Республикада ўртача ҳар 100000 кишига 15.8 гўдак).

IV. Аҳолининг касалланиши ва ўлимлар бўйича кўрсаткичлар: 24. Аҳолининг умумий касалланиши ($1 \text{ см}^2/20000$ киши); 25. Рак касаллигининг миқдори ($1 \text{ см}^2/40$ киши); 26. Овқат ҳазм қилиш органлари билан касалланганлар ($1 \text{ см}^2/2000$ киши); 27. Нафас йўли билан касалланганлар ($1 \text{ см}^2/4000$ киши); 28. Сийдик йўли билан касалланганлар ($1 \text{ см}^2/1000$ киши); 29. Ўткир ичак касалликлари ($1 \text{ см}^2/100$ киши); 30. Гўдаклар ўлими сони ($1 \text{ см}^2/10$ киши);

V. Экологик шароитга таъсир кўрсатувчи бошқа манбалар: 31. Экологик шароитга кучли таъсир кўрсатувчи объектлар (айрим саноат корхоналари); 32. Экологик шароитга кучли таъсир кўрсатувчи шахарлар; 33. Экологик шароитга ўртача таъсир кўрсатувчи шахарлар; 34. Ер усти сувлари билан тузларнинг ҳаракати (ўртача); 35. Ер усти сувлари билан тузларнинг ҳаракати (кучли); 36. Ер ости сувлари билан тузларнинг ҳаракати (ўртача); 37. Ер ости сувлари билан тузларнинг ҳаракати (кучли); 38. Ландшафтлар чегараси; 39. Тоғлардаги сувайирғич чизиқлар; 40. Доимо ва вақтинча сув оқадиган сойлар; 41. Қумли чўллар; 42. Шўрланган чўллар; 43. Гилли чўллар.

Антропоген юк кўрсаткичлари (намуна-Каттакўрғон воҳа ландшафти)



Доирада қизил чизиқдан юқори белгилар антропоген юк кўрсаткичлари; қизил чизиқдан пастдаги белгилар – антропоген таъсир оқибатлари; доирадаги 1 см радиус меъёрга тўғри келади.

Антропоген таъсир оқибатлари

Манба: илмий адабиётлар. Ўзбекистон Республикаси Статистик бошқармаси ва “Ўзгидромет” маълумотлари

Суғориладиган ерларда, кишлоқлар ва шахсий томорқа ерлардан ташқари йўллар, каналлар, зовурлар, ариқлар, турли корхоналар, чорвачилик фермалари ва бошқалар турли ландшафтларда анча катта майдонни эгаллайди. Баъзи аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда кишлоқлар ва томорқалар умумий ҳайдаладиган ер майдонининг 40-45 % ини, баъзи тупроқ шўрланиши кучли ҳудудларда эса зовурлар 10-15 % майдонни эгаллайди.

Зарафшон водийси ландшафтларида суғориладиган ерларнинг аҳоли яшайдиган жойлар ва турли қурилиш объектлари билан бандлик даражаси танланган таянч майдонлар учун ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун қуйидаги ифодадан фойдаланилди:

$$K = \frac{U + \sum_{i=1}^n V_i}{S} \cdot 100\%,$$

бу ерда: K -коэффициент; U -уйлар, аҳоли пунктлар ва томорқалар эгаллаган майдон; V_i -бошқа объектлар эгаллаган майдон; S -суғориладиган ерларнинг умумий майдони.

Суғориладиган ерларни банд қилиб турган объектларни, масалан, уйлар, йўллар, суғориш тармоқларини оддий ифодалар ёрдамида алоҳида-алоҳида ҳисоблаш ҳам мумкин.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида воҳа ландшафтларида ичимлик сув сифатининг ўзгариши таҳлил қилинган. Ушбу муаммони аниқ кўрсатиб бериш мақсадида ҳудуднинг турли ландшафтларидаги 80 дан ортиқ сув манбаларидан ичимликда ишлатиладиган сув намуналари олинди ва улар Самарқанд давлат университетининг “Микроэлементлар лабораторияси” да кимёвий таҳлил қилинди. Олинган ҳамма сув намуналаридан асосий ионлар, яъни хлоридлар, сульфатлар, гидрокарбонатлар, карбонатлар, натрий, кальций, магний ва калийларнинг миқдорлари ҳамда сувнинг минераллашиш даражаси, водород кўрсаткичи, сувнинг қаттиқлиги аниқланди. Сув намуналарининг кимёвий таркиби ва уларнинг ҳудуд бўйича ўзгариши жадвал кўринишида ҳамда асосий қисми эса ландшафт картасида диаграмма кўринишида берилди. Воҳа геосистемаларида ичимлик сув сифатининг таҳлили қуйидаги тартибда изоҳланди: 1) сув минераллашувининг ўзгариши; 2) сув қаттиқлигининг ўзгариши; 3) сувдаги анионлар ва катионларнинг ўзгариши.

Сув минераллашувидаги ўзгаришлар грунт сувларда аниқ кўринади. Унинг миқдори Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмидан Қуйи Зарафшон томон ошиб боради. Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмида, Тойлоқ ва Жомбой туманларида, грунт сувлардаги тузлар миқдори 1000-1100 мг/л, ўрта қисмида, Иштихон туманида - 1850 мг/л, Оқтош шаҳрида - 2000 мг/л, Қуйи Зарафшонда, Бухоро вилоятининг Жондор туманида - 2226 мг/л, Ромитон туманида - 2916 мг/л, Қорақўл туманида - 3128 мг/л ни ташкил қилади.

Сувнинг қаттиқлиги тоғлардаги булоқ сувларида ўртача 2,6-4,5 мг-экв/л оралиқда ўзгариб туради. Грунт сувларида сув қаттиқлиги дарё ҳавзасининг юқори қисмидан қуйи қисми томон ошиб боради. Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмида, Тойлоқ туманида у 10,55 мг-экв/л; Оқдарё туманида 13,41 мг-экв/л; Иштихон туманида 17,49 мг-экв/л; Нуробод туманида 24,2 мг-экв/л; Нарпой туманида 34,00 мг-экв/л; Қуйи Зарафшонда, Бухоро вилояти Ромитон туманида 41,6 мг-экв/л; Бухоро шаҳар водопровод сувида 15,35 мг-экв/л ни ташкил қилади. Умуман, грунт

сувларда сув қаттиқлиги РЭМ га нисбатан 1,5 дан 6,0 бараваргача ошади.

Сувда анионлар ва катионларнинг тарқалиши 20 та сув намуналари орқали берилган. Грунт сувларида хлор ионининг миқдори, сув шўрлигига боғлиқ ҳолда, Зарафшон водийсининг юқорисидан қуйи қисми томон ошиб боради. Масалан, Окдарё туманида 161 мг/л, Иштихон туманида 252 мг/л, Нарпой туманида 532 мг/л, Хатирчи туманида 546 мг/л, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида 609 мг/л, Жондор туманида 525 мг/л ни ташкил қилади. Сульфат ионларининг кўчиб юриш хусусияти катта, лекин хлорид ионларига нисбатан камроқ (Чембарисов, Хожимуратова, 2012). Сульфат ионларининг асосий манбалари таркибида гипс, ангидридлар бўлган чўкинди жинслар ҳисобланади. Бу жинслар Зирабулоқ, Зиёвутдин, Қоратоғ тоғолди текисликларида, Маликчўл ва Ўртачўл ҳудудларида кенг тарқалган. Нарпой туманидаги грунт сувларида ва артезиан кудук сувларида сульфат ионларининг кўплиги ана шу ётқиқликлар билан боғлиқ. Нарпой туманидан сув намуналари олинган тўртта кудукларнинг ҳаммасида сульфатлар РЭМ дан 3,5 бараваргача баланд. Ўрта Зарафшон грунт сувларида сульфат ионларининг миқдори камдан-кам ҳолатларда РЭМ дан ошади. Лекин, Қуйи Зарафшонда сульфатлар катта миқдорда учрайди. Бухоро вилоятининг Жондор туманида 789 мг/л, Қорақўл туманида 464 мг/л, Ромитан туманида 1076 мг/л ни ташкил қилади. Гидрокарбонат ионларининг миқдори булоқ сувларида 171 мг/л дан 432 мг/л гача, артезиан кудукларда 163 мг/л дан 439 мг/л гача, оддий кудук сувларида 252 мг/л дан 805 мг/л гача ўзгариб туради.

Сув минерализациясининг ўзгариши билан кальций, магний, натрий ва калий катионларининг миқдори ҳам ўзгаради. Ушбу катионлардан кальций кам минераллашган сувларда кўп учрайди. Натрий иони тарқалиши бўйича катионлар орасида биринчи ўринда туради, чунки, натрий тузларининг тез эриш ва миграция хусусиятлари катта. Магний иони кальцийга нисбатан камроқ тарқалган. Одатда кам минераллашган сувларда энг кўп кальций, кучли минераллашган сувларда эса натрий миқдори ошиб боради. Оддий кудук сувларида натрий ва калий ионларининг миқдори РЭМ га нисбатан 1,5 баравардан 6,0 бараваргача ошади. Масалан, Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида бу ионларнинг миқдори 594 мг/л га етади.

